

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 24 июнь, № 125 (5040)

Пайшанба

## Навоий вилояти:

# ЮКСАЛИШГА ЮЗ ТУТГАН КОРХОНАЛАР

Бугунги кунда иқтисодийнинг барча тармоқларига, хусусан, ишлаб чиқариш соҳасига ҳам илгор технологиялар жадал кириб бормоқда. Зотан, корхоналарнинг модернизация қилиниши, техник ва технологик жиҳатдан янгиланиши импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан бирга, аҳоли эҳтиёжини қондириш, юртимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга имкон яратаяпти.

### Ислохот

Навоий шаҳридаги "Baht-Textile" масъулияти чекланган жамиятида олиб борилган ишлар бунга мисол бўла олади. Жумладан, 2008 йилда бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми 3234 тоннани ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 4362 тоннага етди. Шунингдек, 2009 йилда корхона томонидан тайёрланган маҳсулотлар қиймати 10,5 миллиард сўмдан ошиб, 124 фоиз ўсишга эришилди.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда энгил саноат тизимидаги корхоналарни ривожлантириш мақсадида улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, — дейди корхона раҳбари Қобилжон Турсунов. — Бунда, айниқса, Юртбошимиз томонидан қабул қилинган қатор Фармон ва қарорлар дастуриламал бўлмоқда. Масалан, корхонамиз мисолида айтадиган бўлсак, сўнгги йилларда экспорт салоҳиятимиз анча ортди: 2008 йилда 1 миллион 730,1 минг АҚШ долларилик, ўтган йили 4 миллион 332,4 минг АҚШ долларилик маҳсулотни хорижга сотишга муваффақ бўлдик.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: "Навбахор текстиль" корхонаси смена бошлиғи Нафиса Фармонова ва оператор Дилшода Назарова.

Бугун мамлакатимизнинг қайси гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг гувоҳи бўласиз. Бундай беқиёс янгиланишлар Қорақалпоғистон Республикаси, хусусан, биз истиқомат қилаётган Хўжайли туманида ҳам изчиллик билан амалга ошириляётгани, айниқса, қувонарли.

## ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ КЎРКИ ФАХР БАХШ ЭТАДИ

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори тўғрисида"ги қарори талабларининг ижроси туфайли айти пайтда қишлоқларимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бора-япти. Туманларда барча қулайлик-ларга, ша-хардагидан

мунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини ўқиб, яна қувончимга қувонч қўшилди. Сабаби, ушбу қарорга кўра, ҳар бир иморат эгасига 0,06 гектар ҳажмда ер участкаси берилиши билан бирга, янги хонадонлар-қулайлик-ларга, ша-хардагидан

### Дил сўзи

қулайлик-лар, зарур қолишмайдиган шарт-шароитларга эга кўркам ва замонавий уй-жойлар қад ростлаётгани, хусусан, уларнинг калитига эга бўлиш ёш оилалар учун чинакам байрамга айланаётгани кимни қувонтирмайди, дейсиз? Мана, масалан, кун кеча бизнинг оиламизда ҳам бир умр ёддан чиқмайдиган қувончли воқеа рўй берди: янги уйга кўчиб кирдик. Эътиборлиси, биздан ташқари, туманимизнинг "Саманкўл" овулидаги Ойбек мазеида бунёд этилган замонавий шаҳарчада жами 20 оила уй-жойли бўлди. Бу уйлар ўзининг кўркамлиги, шинамлиги билан ҳаммага манзур бўлмоқда. Ошхона, меҳмонхона, ўғил ва қиз фарзандларимиз учун алоҳида хоналар, компьютер хонаси, ҳаммом, газ, иссиқ сув, совуқ сув, қўйинги, барча шароит яратилган.

Бундан ҳам муҳими, жорий йилнинг ўзида республикамиз миқёсида қуриляётган 213 та тураржой массивида ижтимоий инфра-тузилма объектлари комплекс тарзда барпо этилар экан. Бу ишга "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан кўшимча маблағлар йўналтирилган.

Булларнинг бари Истиқлол шарофати, муҳтарам Юртбошимизнинг халқимиз, фарзандларимизга гамхўрлигининг самараси эмасми? Ишончимиз комилки, қишлоқларимизда қад ростлаётган замонавий уй-жойлар бунёдкор халқимизни мамнун этиш билан бирга, биздан кейин ўғил-қизларимизга ҳам мерос бўлиб қолади, авлодларга хизмат қилади.

Хўжайли тумани

Тошкент турли йирик халқаро анжуманларни зўр муваффақият билан ташкил этувчи муҳим шаҳарлардан бирига айланб бормоқда. Жаҳон эътирофи этган иқтисодчи, сийёсатчи ва экспертлар томонидан алоҳида қайд этиляётганидек, Ўзбекистон пойтахти мезбонлик қиладиган ҳар бир нуфузли тадбир, учрашув ва музокаралар ўзаро ишонч ҳақида ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтиши, яқинда кутилган келишувларга эришилиши билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

## ТОШКЕНТ — ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИГАН ШАҲАР

Хабарингиз бор, биргина жорий йилнинг ўтган уч ойи ичида Тошкентда ана шундай учта халқаро тадбир ўтказилди. Хусусан, апрель ойида «Инкирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инкироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференция,

### Муносабат

май ойида Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгазининг 43-йиллик мажлиси юқори савияда ташкиллаштирилди. Бу икки иқтисодий анжуман якунлари дунё жамоатчилиги томонидан юксак баҳолалиб, атрофлича ўрганиляётган бир пайтда, 11 июнь кун муҳим сийёсий тадбир — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгазининг навбатдаги, ўнинчи мажлиси ўтказилди.

Маълумки, ҳар йили ШХТга аъзо мамлакатлардан бири унга раислик қиладди. 2009 йил Екатеринбург саммитидан кейин ташкилотга Ўзбекистон Республикаси раислик қилди. Пойтахтимизда ташкиллаштирилган навбатдаги мажлисини Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва Мўғулистоннинг турли оммавий ахборот воситаларидан уч юзга яқин вакил ҳамда қарийб 200 нафар маҳаллий журналист кенг ёритиб борди. Бу ШХТнинг жаҳон сий-

сат майдонидаги аҳамияти ва нуфузи юксалиб, унинг фаолиятига бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганига яққол далилдир. Фикримизнинг исботи сифатида шунга айтиш мумкинки, Тошкент саммитини ёритишга нафақат Ташкилотга аъзо давлатлар, кузатувчи мамлакатлар ҳамда форумда иштирок этган меҳмонлар, балки бошқа давлатлар оммавий ахборот воситалари ва-май ойида Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгазининг 43-йиллик мажлиси юқори савияда ташкиллаштирилди. Бу икки иқтисодий анжуман якунлари дунё жамоатчилиги томонидан юксак баҳолалиб, атрофлича ўрганиляётган бир пайтда, 11 июнь кун муҳим сийёсий тадбир — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгазининг навбатдаги, ўнинчи мажлиси ўтказилди.

киллари, нуфузли халқаро нашрлар, йирик ахборот агентликлари ҳамда телеканаллари ҳам катта эътибор қаратишди. Мухбирларимиз уларнинг айримлари билан учрашиб, бўлиб ўтган тадбир ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизикди. — Ҳар бир шаҳар худди инсон каби ўзига хос истарага эга. Тошкент, шак-шубҳасиз, ана шундай истарали шаҳарлардан биридир, — дейди "Покистон" радиоси вакили Фахар Аббос Шоҳ. — Пойтахтининг нафақат одамларни ўзига жалб этадиган, балки кишиларни тинчлик, инсонпарварлик каби эзгу ниятларга қорлайдиган, ўзаро ҳурмат ҳамда консенсусга интиладиган, улғу мақсадлар йўлида бирлаштирадиган шаҳар ҳамдир. Жаҳон ҳамжамияти Тошкентнинг, айниқса, сўнгги йил давомида минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашга доир илгари сурган ташаббусларидан жуда яхши хабардор.

(Давоми 2-бетда).

## ГЎЗАЛ ВА МУҚАДДАС ЗАМИН ТААССУРОТЛАРИ

Изчил амалга ошириляётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари шаҳару қишлоқларимиз кўрғига кўрқинмоқда. Хусусан, Тошкентнинг таровати, мухташам иншоотлари, хушманзара табияти ва сўлим гўшалари хорижий сайёҳларни кенг жалб этмоқда. Пойтахтимиз кўчаларида кўплаб чет элликлари учратиш мумкин. Ўза мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

### Чёнг МИНЬ (Хитой):

— Дунё ахли Ўзбекистонни илм-фан ривожига беқиёс ҳисса қўшган алломалар юрти деб билади. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон азал-

лик йўлида саёҳат» мавзuidaги кўрғазмада иштирок этишга мурасар бўлдим. Бу йирик кўрғазмада кўплаб ҳамюртларимнинг

### Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

ижодий ишлари намойиш этиляётганини кўриб жуда қувондим. Ўзбекистонлик мусаввирларнинг асарларини кўздан кечириб, юртингизда тасвирий санъат гуркураб ривожланаётганига амин бўлдим. Пойтахтининг кўплаб диқ-

қатга сазовор жойларида бўлдим. Менга, айниқса, унинг музейлари жуда ёқди.

### Вольф АДЕРМАНН (Австрия):

— Пойтахтининг таровати, ўзига хос табияти, замонавий ва миллий мезморий анъаналарни ўзида муҳасам этган мухташам бинолар ҳар қандай кишини ҳайратда қолдиради.

Юртингизда амалга ошириляётган кенг кўламли ислохотлар Ўзбекистон янада раванқ топиб, халқ фаровонлиги муттасил юксалишига хизмат қилмоқда. Тошкентга хизмат юзасидан кўп келаман. Ҳар гал Ўзбекистон таниб бўлмас даражада ўзгариб, янги чирой кашф этганига гувоҳ бўламан.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

### Ширинликлар — эл дастурхонига

ГУЛИСТОН шаҳрида тадбиркор Ойбек Сотиболдиев қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Бунёдбек Нилуфар" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди.

Банкдан олинган 70 миллион сўмлик кредит эвазига ўрнатилган хорижий замонавий технологиялари ёрдамида ушбу корхонада 10 турдаги ширинликлар тайёрланмоқда.

Эътиборлиси, корхонада ойига ўртача 30 миллион сўмлик сифатли маҳсулот эл дастурхонига туҳфа этилмоқда.

Ш. ХОЛМУРОВОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Аҳоли учун қулайлик

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ХОРАЗМ вилояти филиали кўчма алоқа бўлими ташкил этди.

Натижада олис қишлоқлар аҳолисига намунали почта хизмати кўрсатиш имконияти яратилди, шунингдек, даврий нашрлар ўз вақтида етказиб берилмоқда. Шу билан бирга,

аҳоли нафақа пулларини олиш, коммунал тўловларини тўлаш учун узоққа бормайдиган бўлди.

О. РАХИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Бир рақам шарҳи

Жорий йилнинг биринчи чорағида мамлакатимизга жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми

929,8 миллион долларни ташкил қилди.

## ХОРИЖ ИНВЕСТИЦИЯСИ КЎПАЙМОҚДА

Инкирозга қарши чоралар дастурининг ижроси изчил таъминланаётгани, айниқса, чет эллик инвесторлар фаолияти учун муносиб шарт-шароитлар яратиб берилгани, қулай сармовий муҳит вужудга келтирилгани муваффақиятларнинг бош омилли бўлди.

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Пахтабод томёпқичлари

АНДИЖОН. Тадбиркор Холдорали Ҳакимов Пахтабод туманидаги Сойбўйи маҳалласида томёпқич ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Фалак юлдузи" хусусий корхонасини ташкил этди.

Йилига 9 минг метр квадрат ҳажмда томёпқич ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхона фаолиятини йўлга қўйишда банкдан ажратилган 20 миллион сўмлик кредитдан самарали фойдаланилди. Корхона жамоаси маҳаллий хом ашёдан тайёрланган 14,5 миллион сўмлик дастлабки маҳсулотини бюртмачиларга етказиб берди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Ф. БЎТАЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



**Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари ўз фаолиятида қабул қилинган қонунларнинг марказда ҳукумат томонидан, жойларда эса ҳокимликлар томонидан қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини ўрнатиши устувор вазифалардан бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлаб, палаталарда бу борадаги ишлар ўта қониқарсиз йўлга қўйилганини афсус билан қайд этган эди. Шу нуқтага назардан қонун чиқарувчи ҳокимият назорат ваколатларини амалга оширишнинг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва механизмларидан фойдаланиш учун барча зарур чораларни кўриш кераклигини белгилаб берган эди.**

# ҚОНУНЛАРНИНГ ИЗЧИЛ ИЖРОСИ

**вакиллик органлари фаолиятининг мезони бўлмоғи керак**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Юртбошимиз маърузасида белгилаб берилган ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган 2010 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида жойларда ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга ҳалал бераётган камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очик-ошкора ва амалий муҳокама қилиш бўйича қатор тадбирлар белгилаб олинди. Бунда Сенат қўмиталари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан бир-галликда уларни ҳал қилишга оид аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятини чуқур ўрганишга доир комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва 2010 йилда ҳамда кейинги йилларда амалга оширишга алоҳида ургу берилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Сенат — вакиллик органи ва унинг кўпчилик қисми халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари сифатида мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органида ана шу маҳаллий Кенгашларнинг ваколатли вакиллари ҳисобланади.

Айни пайтда, тан олиш керак, жойлардаги вакиллик органлари фаолиятини амалдаги қонунларда белгиланган талаб ва меъёрлар даражасида, деб бўлмайди. Айниқса, уларнинг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга масалаларни ҳал этишдаги роли жуда суст бўлиб қолмоқда. Шу боисдан Сенат қўмиталари ўз режаларида акс эттирилган қонунлар ва дастурлар ижроси юзасидан назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишга маҳаллий Кенгашларни, айниқса, уларнинг доимий комиссияларини изчил жалб этиб келмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар, пировардида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятининг янада жонланishi, депутатларнинг янада фидойи ва жонкуяр бўлиши, масаланин моҳиятини тўла аниқлаб етишига хизмат қилади.

Буни яқинда "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Сурхондарё вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари таҳлилига бағишлаб ўтказилган қўшма мажлис мисолида ҳам айтиш мумкин. Сурхондарё вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мах-

лиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши томонидан ташкил этилди.

Мажлисида қўмита аъзолари ҳамда вилоят Кенгаши депутатларидан иборат таркибда тузилган

**Парламент ҳаёти**

ишчи гуруҳ ҳулосаси таништирилиб, ушбу Қонунни ижро этиш борасида Сурхондарё вилоятида амалга ошириш бўлиб борилаётганлиги қайд этилди. Шунинг алоҳида қайд этиш керак, мазкур Қонун Сенатининг 2009 йил 29 августдаги қўшма мажлисида сенаторлар томонидан маъқуллаб, Президентнинг қўлига қўйилган 13 октябрда имзоланиб, матбуотда эълон қилинган эди.

Маълумотларга кўра, ҳозирда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича вилоят давлат инспекцияси, вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан 53 та археология объектлари маданий мерос объектларини давлат кадастри тизимига киритиш бўйича тадбирлар белгилаб олинган. Археология ашёларининг давлат ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш — барчаси маданий мерос

лими бўлиб қолган. Шу жумладан, ўтган йилда тарихчи-олимлар вилоятдаги саккизта археология ёдгорлигини таъкид қилдилар. Умуман айтганда, Сурхондарё вилоятининг археология мероси бугун тобора кенгайиб бораётган. Чунки, 2002 йилда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Термиз археология музейи ҳозирги вақтда Марказий Осиёнинг гоят йирик музей муассасасига айланди. Унда Фарғана, Далварзинтепа, Қоратеп, Эски Термиз ва бошқа жойларда топилган 60 мингдан ортиқ археология экспонати сақланмоқда.

Энг муҳими, "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун нормаларига мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасида тегишли ишларни олиб бориб, олимларга археология қазимчаларини ва археология назоратини ташкил этишда ёрдам бермоқдалар. Археология мероси объектларини сақлаш ва оммалаштириш тадбирларини ташкил этишга, Шўрчи, Шеробод, Музработ, Термиз ва бошқа туманларнинг халқ депутатлари Кенгашлари томонидан халқ таъ-

лими бўлиб қолган. Шу жумладан, ўтган йилда тарихчи-олимлар вилоятдаги саккизта археология ёдгорлигини таъкид қилдилар. Умуман айтганда, Сурхондарё вилоятининг археология мероси бугун тобора кенгайиб бораётган. Чунки, 2002 йилда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Термиз археология музейи ҳозирги вақтда Марказий Осиёнинг гоят йирик музей муассасасига айланди. Унда Фарғана, Далварзинтепа, Қоратеп, Эски Термиз ва бошқа жойларда топилган 60 мингдан ортиқ археология экспонати сақланмоқда.

Энг муҳими, "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасида тегишли ишларни олиб бориб, олимларга археология қазимчаларини ва археология назоратини ташкил этишда ёрдам бермоқдалар. Археология мероси объектларини сақлаш ва оммалаштириш тадбирларини ташкил этишга, Шўрчи, Шеробод, Музработ, Термиз ва бошқа туманларнинг халқ депутатлари Кенгашлари томонидан халқ таъ-

# ГЎЗАЛ ВА МУҚАДДАС ЗАМИН ТААССУРОТЛАРИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Иқтисодчи сифатида ривожланишнинг «ўзбек модели» жуда оқилона ишлаб чиқилганини алоҳида таъкидлашнинг истардим. Унинг нечоғли асоси ва тўғри экани глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида янада яққол намоён бўлди.

**Мустафо АЛИ (Миср):** — Ўзбекистон қадимий ёдгорликлар, муқаддас зиёратгоҳлар ва тарихий обидаларга бойлиги билан ҳам машҳур. Мамлакатингизга саёҳатим асосида ана шундай муқаддас зиёратгоҳлар ва гўзал гушаларда бўлдим.

Ўзбекистон санъати юксак даражада ривожланган экан. Ўзбек мумтоз куй-қўшиқлари, жоизбадор рақслари ҳар қандай кишини мафтун этади. Ўзбек хонандаларининг қўшиқлари ёзилган дисклар харид қилдим.

Тошкент бозорлари гажум ва тўқин-сочинлиги, қайноқ ҳаёти, орастаю озо-

далиги билан эътиборини тортади. Бозор мамлакат тараққиётининг кўзгусидир. Энг муҳими, Аллоҳ назари тушган бу гўзал ва муқаддас заминда осойишталик ҳукм сурмоқда. Юртингдаги киши тинчлик ва осойишталикка ҳавас қилса арзийди.

**Аймон МАРКОНИ (Италия):** — Бир неча кундан буён мафтункор Тошкентни томоша қилиб, унинг гўзал манзараларидан баҳра олиб юрибман. Бу азим шаҳарда мароқли дам олиш учун ҳамма шароит бор. Музей ва галереялар эстетик завқ беради, шинам қаҳвахоналардаги шарқона мулозамат киши баҳри дилини очди. Темирийлар тарихи давлат музейидаги экспонатларни кўздан кечириб, тарихингиз ҳақида тасаввурим янада бойиди.

**ЎЗА мухбирлари**  
**Мадина УМАРОВА,**  
**Ирода УМАРОВА**  
**ёзиб олди.**

# ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида аҳоли бандлигини таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланган. Зеро, бандлик даражасини ошириш фаровонлик ва тараққиёт асосидир. Шу боис мамлакатимизда бу долзарб масалага алоҳида эътибор берилмоқда.**

Жорий йилнинг биринчи чорагида республикаимиз бўйича 215,4 мингта, шу жумладан, қишлоқ жойларда 150,1 мингта янги иш ўрни ташкил этилгани бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасидир.

Таъкидлаш жоизки, Қашқадарё вилоятида ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар кўлами ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозирги кунда, масалан, воҳода кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 78552 тага етиб, бу секторда вилоят иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 74,4 фоизи ёки 699,1 минг киши меҳнат қилмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш мақсадида 8 мингта дехқон хўжалиги, 2 мингта оилавий тадбиркорлик субъекти тузилгани ҳам ўз натижасини кўрсатмоқда. Улар сабабдан, полизчилик, боғдорчилик ҳамда узумчилик билан шуғулланиб, етиштирилган ҳосилни қайта ишламоқдалар. Шу орқали оила аъзоларининг талаб-эҳтиёжини қондириш билан бирга, ички бозорни ҳам бойитиб келмоқдалар.

Вилоятда янги иш ўрин-

ларини яратишда хизматлар соҳаси ва сервисни ривожлантириш комплекс дастурининг ижроси ҳам муҳим аҳамият касб этаётган. Хусусан, мазкур дастурда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 16,2 минг киши ижтимоий фойдала меҳнатга жалб қилинди.

Аҳолини иш билан таъминлашда, шунинг-кўлами ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозирги кунда, масалан, воҳода кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 78552 тага етиб, бу секторда вилоят иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 74,4 фоизи ёки 699,1 минг киши меҳнат қилмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш мақсадида 8 мингта дехқон хўжалиги, 2 мингта оилавий тадбиркорлик субъекти тузилгани ҳам ўз натижасини кўрсатмоқда. Улар сабабдан, полизчилик, боғдорчилик ҳамда узумчилик билан шуғулланиб, етиштирилган ҳосилни қайта ишламоқдалар. Шу орқали оила аъзоларининг талаб-эҳтиёжини қондириш билан бирга, ички бозорни ҳам бойитиб келмоқдалар.

Вилоятда янги иш ўрин-

**Бандлик**

Бир сўз билан айтганда, Қашқадарё вилоятида Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётган. Пировардида аҳолининг бандлик даражаси ошиб, даромад манбаи кўпайиб бормоқда, худуд иқтисодиёти эса юксалишга эришмоқда.

**Норбой УЗОҚОВ,**  
**Қарши давлат**  
**университетининг кафедра**  
**мудри,**  
**иқтисод фанлари доктори.**

## Дил сўзи

**Президентимизнинг Бухоро вилоятига сафари пайтида туманимизга таширф буориб, биздаги дала-деҳқончилик ишлари билан яқиндан танишганлари, фермер ва тадбиркорлар билан дилдан суҳбатлашганлари кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшди.**

## Ишнинг кўзини билган ютади

Хусусан, у кишининг ердан оқилона фойдаланиш, экинлар ҳосилдорлигини ошира бориш тўғрисидаги йўл-йўриқлари биз учун жуда қимматлидир. Бу кўрсатмалар ишни тўғри ташкил қилишимизда, қишлоқда турмуш фаровонлигини оширишда, даромадни янада кўпайтиришда беҳад кўл келаяпти.

Фермерлик шатинини улуғлаш учун ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш керак. Чунки зиммада масъулият катта. Ишнинг кўзини билганга, одамлар кўнглига йўл топганларга эса омад қулиб боқади, албатта. Ўз вазирамизга ана шундай ёндашсак, марра бизники.

Жорий мавсумда 15,7 гектар ердаги ғалладан 62 центнердан дон олдик. Шартнома режасида кўзда тутилганидан кўпроқ — жами 47,2 тонна донни давлатга сотдик. Ихтиёрийимизда 42,8 тонна ғалла қолди. Уни ишчиларимизга тарқатиб чиқаямиз. Хуллас, эртанги кундан кўнглимиз тўқ.

Давлатимиз раҳбари биз, фермерлар фаолиятини ривожлантириш учун ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан барча имкониятларни яратиб бермоқдалар. Мана шу эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлиш ҳар биримизнинг зиммамиздаги улкан масъулиятдир.

**Толёб ХУСЕНОВ,**  
**Вобекан туманидаги**  
**«Хусен Болта замин»**  
**фермер хўжалиги**  
**раҳбари.**

## Навоий вилояти:

# ЮКСАЛИШГА ЮЗ ТУТГАН КОРХОНАЛАР

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Жорий йилда корхонада ишлаб чиқариш ҳажми 7500 тоннага етказиб, 6300 минг АҚШ доллари миқдордаги маҳсулот четга сотилиши мўлажалланаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Айтиш жоизки, корхона ривожига молия муассасалари ўз маблағ ва хизматлари билан кўмак бермоқда. Жумладан, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Навоий вилояти бўлими томонидан берилган икки юз миллион сўмлик, "Ипак йўли" банки Навоий филиалининг ҳам шунча миқдордаги қисқа муддатли имтиёзли кредитлари унинг фаолиятини янада кенгайтириб юборди.

Қувонарлиси, вилоятда бу каби корхоналар сафи тобора ортиб бораётган. Пахтадан қайта ишлаш, ундан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган масъулият чекланган жамият шаклидаги "Навбахор текстиль" чет эл корхонаси ҳам

ана шундай ишлаб чиқариш муассасаларидан бири. Хорижий сармоа асосида иш бошлаган корхонада 1560,8 минг АҚШ доллари миқдорда қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Шунингдек, пахтадан қайта ишлаш ускунаси учун мўлжалланган технологияга 3908,5 минг АҚШ доллари ҳажмида тўғридан-тўғри инвестиция жалб қилинди.

— Ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотимизнинг 1447 тоннаси экспорт қилинди, — дейди корхона ижрочи директори Шерзод Жумаев. — Бунинг натижасида 2274,5 минг АҚШ доллари миқдордаги валюта республикамизга кириб келди. Шунингдек, мамлакатимиз ички бозорига ҳам 319,2 тонна маҳсулот сотилди.

Корхонанинг ишга туширилиши натижасида икки юздан зиёд навбахорлик йигит-қизлар янги иш ўринларига эга бўлдилар. Жамoa жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам самарали ютуқларни кўлга киритди. Улар



**СУРАТДА:** корхона бош устаси Умрзоқ Ражабов ҳамда ип йиғирувчилар Гулсара Эшмуродова ва Лобар Саидова.

бу муддатда 792,6 тонна маҳсулотни экспорт қилиб, мамлакатимизга 1441,4 минг АҚШ доллари олиб келишга муваффақ бўлдилар. Вилоят корхоналари то-

монидан кўлга киритилаётган муваффақиятлар яратилган қулай инвестициявий муҳит ва имкониятларнинг юқорилиги самарасидир. Чунки ушбу имоният ва

шароит уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга хизмат қилаётган.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**  
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**  
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**



**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Ушбу саммитда ҳам ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари минтақамиз аҳолисининг тинч, ҳавфсиз ҳаёт кечиришига ва тараққиётга эришишига йўналтирилган масалаларни муҳокама қилишди. Буларни ШХТ доирасида ҳал этишда Ўзбекистон жуда муҳим роль ўйнамоқда. Журналист сифатида мазкур Ташкилот фаолиятини диққат билан кузатиб бораман. Таъкидлаш жоизки, Екатеринбург саммитидан Тошкент саммитигача бўлган даврда улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, ШХТ фаолиятининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, самарадорлигини ошириш, тизимий йўлга қўйиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Масалан,

# ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИГАН ШАҲАР

Ўзбекистон раислиги даврида Тошкентда БМТ ва ШХТ Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши, эътироф этилаётганидек, ШХТ олдида турган вазифаларни ҳал этишда БМТ минбаридан янада фойдаланиш, жумладан, унинг доирасида ШХТга аъзо давлатларнинг манфаатларини ифодловчи масалаларни бир-галликда илгари суриш имконини мустаҳкамлаш, самарадорлигини ошириш, тизимий йўлга қўйиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Масалан,

лектуал ва ишлаб чиқариш саноиятига эга мамлакат эканлигидан далолат беради.

Хитой халқаро радиоси муҳри Ван Сяндун покстонлик ҳамкасбининг фикрларини давом эттириб, шундай деди:

— Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилган даврда унинг фаолияти самарадорлиги сезиларли даражада юксалиб, меъёрий-ҳуқуқий базаси мустаҳкамланди. ШХТ фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтирилган янги долзарб ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишида, дарҳақиқат, мамлакатингиз

шароитида ШХТнинг манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишга йўл очилди.

Ўзбекистон раислигининг ўзига хос жиҳати шундаки, у мавжуд муаммоларни ҳал этишда Ташкилот аъзоларининг саъй-ҳаракатини бирлаштиришга, ШХТ доирасида ҳамкорликни ривожлантиришга, бошқа нуфузли халқаро тузилмалар билан мулоқотни кенгайтиришга интилди.

Мамлакатингиз саммитни юқори даражада ташкиллаштирди. Барча журналистлар ўз вазибаларини тўла-тўқис бажаришлари керакли ҳамма шарт-

шароитлар яратиб берилди. Бунинг учун катта миннатдорчилик билдираман.

Дароқе, бу менинг Ўзбекистонга учинчи бор келишим. Ҳар сафар бу ерда юз бераётган ўзгаришлар, янгиликларни кўриб, ҳайратга тушаман. Дунёнинг жуда кўп давлатларида бўлганман. Уларнинг ҳар бири ўзига хос жонлиқ эга. Тошкентнинг ўзига хослиги шундаки, кўчаларда асосан шу ерда ишлаб чиқарилган автомобилларни кўриш мумкин. Демак,

одамлар миллий маҳсулотларига нисбатан алоҳида эътибор билан муносабатда бўладилар. Бу мамлакат иқтисодийини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Ҳиндистоннинг машҳур "The Times of India Group" нашриёти мухбири Гопалакришна Кунтини ўз муносабатини қуйидагича билдирди:

— ШХТнинг Тошкент саммити бошланган кун таъриятимизга яқин мақола жўнатдим. Улар ўша захотиёқ Интернетдаги веб-сайтимизга ҳам жойлаштирилди. Мақолалардан бири "Ўзбекистон — Ҳиндистоннинг азалий дўсти"

деб номланган. Унда мустақиллик йилларида Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатингизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, эришилган ютуқлар, ўзбекистонликларнинг ўз Ватани эртанги кунига бўлган ишончи хусусида сўз юритилган. Иккинчи мақолада эса ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг ўзини ҳақиқатда маълумотлар берилган. Ушбу нуфузли тадбир даврида Ўзбекистоннинг ШХТга раислик қилган давридаги саъй-ҳаракатлари, шунингдек, бошқа халқаро тадбирларда илгари сурган ташаббуслари ҳақида янада кенгрок тасаввурга эга бўлдим. Энди ана шу маълумотлар асосида бир қанча таҳлилий мақолалар ёзиш ниятидаман.

Мамлакатингизга илк бор таширф буорган бўлсам-да, очиги, бу ёрнинг гўзаллиги мени ўзига тезда мафтун этди. Айниқса, ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги ва очиққўнглиги катта таассурот қолдирди. Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётини ифодловчи далиллар билан танишар эканман, шунга амин бўлдимки, бу ерда меҳнатсевар ва ўз мақсадига интилувчан одамлар яшар экан.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**  
**Пулат ДОНИЕРОВ.**

**Тиббиёт ходимлари доимо балиқ маҳсулотларини етарли миқдорда истеъмол қилиш зарурлигини таъкидлашади.**  
Бу бежиз эмас, албатта. Нега деганда, балиқ ва балиқ маҳсулотлари инсон организмда модда алмашинуви бузилиши, юрак-қон томир касалликлари, шунингдек, инсулт ва бошқа хасталикларнинг олдини олишда ёрдам беради. Шундан келиб чиқиб, шифокорларимиз йиллик балиқ истеъмол қилиш меъёри аҳоли жон бошига 12 килограмдан деб белгилашган.

**Балиқчилик:**

**ИМКОНИЯТ, ИЗЛАНИШ, САМАРА**

Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда юртимизда бошқа соҳалар қаторида балиқчиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Худудларда балиқчиликка ихтисослашган кўплаб фермер хўжаликлари фаолият қўрсатмоқда. Уларнинг фаолияти балиқ маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжни тўлиқ таъминлашга қаратилган эътиборга моликдир.

Гап шундаки, республикада йилга 300 минг тоннадан ортиқ балиқ етиштирилиши зарур. Аслида, бунга эришиш учунчалик мушкул эмас: тармоққа илгор технологиялар жабда этилиб, балиқчилик маданияти изчил ривожлантирилса, кифоа. Масалан, фермерларимиз томонидан ҳар куб метр сувдан йилга 40 килограмдан балиқ етиштиришнинг интенсив технологияларини

қўллаш шулар жумласига кирди. Ана шунда 300 минг тоннадан зиёд маҳсулот етиштириш учун атиги 1000 гектарлик сув ҳавзаси етарли бўлади.

Жойларда нафақат табиий сув ҳавзалари, балки аквакультура, яъни сунъий ҳроувлар балиқчилиги ҳам жадал ривожланаётгани қувонарлидир. Чунки бугунги кунда аквакультура қишлоқ хўжалигининг энг самарадор усули ҳисобланади. Сабаби, мазкур усул йилнинг хоҳлаган мавсумида балиқ етказиб беришда қўлайдир.

Республикада балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича 2009 — 2011 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурида бир қатор вазифалар белгила берилган бўлиб, улар изчил амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, кейинги босқичларда тармоқни ривожлантиришнинг наза-

рий пойдеворини мустаҳкамлаб бориш лозим. Бунда энг мақбул йўл тажриба-кўргазма модель хўжаликларини ташкил этишдир.

Тоғолди ва тоғ худудларида хонбалиқчиликни (совуқ сув аквакультурасини) ҳамда пастте-кислик худудларда илиқ сувда урчидиган балиқлар аквакультура-сини, шунингдек, кўл, ҳовуз ва

пасттекисликларда ўн минг тоннадан ортиқ карп, канал лаққаси, тоғолди худудларда эса яна шунча миқдорда хонбалиқ, лаққа ва бакра балиқларини етиштири-са бўлади. Истиқболда эса ин-тенсив технологияларни кенг жо-рий қилиш республика аҳолиси-нинг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ



сув омборларида саватлар қўйиб, дарё ва каналлар бўйида ташкил этиладиган ҳавзаларда балиқ етиштиришни ривожланти-риш шулар сирасига кирди.

Шу ўринда табиий савол туғи-лиши мумкин: "Мазкур техноло-гиялар асосида қандай балиқ турларини қанча миқдорда етиш-тириш мумкин?" Ишонч билан ай-тиш мумкинки, яқин 2-3 йилда

таъминлаш имконини беради.

Маълумки, Ўзбекистон бир қатор чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда балиқчилик тармоғини ривожлан-тиришга алоҳида эътибор бермоқ-да. Масалан, БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳозирги кунда Ўрта Осиёга замо-навий технологияларни олиб ке-лиш борасида халқаро лойиҳани

**Интилиш**

амалга ошираётган бўлса, Тошкент-да 2010 йил 12-14 январда бўлиб ўтган семинар Марказий Осиё ба-ликчилик соҳасида таълим ва ил-мий изланишлардаги етишмовчи-ликларни баҳолашга бағишланди. Ушбу семинар иштирокчилари ФАОнинг балиқчилик ва аквакуль-тура соҳасидаги илмий тадқиқот-лар, таълим ва кадрлар тайёрлаш фаолиятини тиклашда ўзларининг салмоқли ҳиссасини қўшиш тақ-лифини билдирганлари диққатга сазовордир. Бундан, табиийки, Ўзбекистон аҳолиси сони жиҳати-дан ва ФАО бюджетига тўланади-ган нафақа миқдори нуктаи назар-дан бошқа қўшни давлатларга нисбатан кўпроқ манфаат кўради. Бунга республикамиз балиқчилик фаолиятининг бошқа давлатларга қара-ганда яхшироқ ривожланганлиги ҳам асос бўла олади.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон келажақда балиқчилик соҳасида минтақадаги етакчи давлатга ай-ланиши учун ҳамма имкониятлар етарли. Фақат ундан оқилона фойдаланилса, қўлланган мақсад-га эришиш мумкин.

**Бахтиёр КАРИМОВ,**  
**ЎзФА Зоология институти**  
**«Интенсив аквакультура**  
**ва балиқчилик муаммолари»**  
**лабораторияси мудири,**  
**Бахтиёр КОМИЛОВ,**  
**етакчи илмий ходими.**

**ЖАҲОН** 24 соат ичида

**Жиноятчи қўлга олинди**

**Ямайқада гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланиб келган таниқли жиноятчи Кристофер Коук қўлга олинди.**

Унинг мазкур мамлакатда яшириниб юргани олдинроқ аниқланган бўлса-да, қўлга олиш осон кечмаган. Хабарларга қараганда, жиноятчи яширинган Тиволи-гарденс туманида унинг тарафдорлари ва полиция ходимлари ўртасидаги отишмалар чоғида етмиш уч киши ҳалок бўлган.

Маълумот сифатида келтириб ўтамиз, Кристофер Коук гиёҳванд моддалар савдосидан ташқари Ямай-ка ва АҚШда кўплаб қотилликларни содир этган-ликда айбланади. Шу боис расмий Вашингтон жи-ноятчини АҚШга топширишни талаб қилмоқда.

**Рақобатчисидан ўтиб кетмоқчи**

**Германиянинг «Audi» автомобилсозлик компани-яси жорий йилда Хитойда бир миллион дондан ортиқ машина сотишга умид қилмоқда.**

«Евроньос» ахбороти-га кўра, корхона ишлаб чиқараётган автоулов-ларга мазкур мамлакат-да талаб ортиб бормоқ-да. Бундан ташқари, Осиё қитъасининг ривож-ланаётган давлатларида ҳам компаниянинг маши-налари анча харидордир.

Бу каби ижобий кўрсаткичлар унинг мав-жеини оширмоқда. Шу ту-



файли «Audi» 2015 йилга бориб, Осиё бозоридagi асосий рақобатчиси бўлиши «BMW»дан ўтиб кетишига ишонмоқда.

**Муаммо ҳал этилди**

**Буюк Британиянинг «British Airways» ва Испаниянинг «Iberia» авиакомпаниялари ўртасидаги қўшилув битимига тўсиқ бўла-ётган омиллар олиб ташланди.**

Аслида мазкур муассасалар жорий йилнинг апр-ель ойида бу борада келишиб олишган бўлишса-да, муаммо ечилмай келаётганди. Бунга «British Airways» компаниясининг пенсия жамғармасида 4,4 миллиард евро маблағ тақчиллиги аниқланган-ни сабаб бўлаётганди. Айни пайтда «British Airways» муаммо ҳал этилганини билдирган.

**Акциялар талаш**

**Жаҳон иқтисодий инқирозы вақтида молия-вий тақчилликка юз тутган «Monde» (Франция) нашри акцияларига эгалик қилиш борасида жиддий кураш кетмоқда, дея хабар тарқатди «Евроньос» телеканали.**

Гап шундаки, ҳозир бу харидга нафақат ма-ради, сўнг сотади, чўнта-гига пулни жойлайди. Эътиборлироқ киши буни илганга бўларди. Қачон-ки, ҳар биримиз ана шун-дай эътиборсизлик ва бепарволикдан воз кеч-сак, болаларимизнинг бундай қўчаларга кириб қолишлари олдини олган бўла-миз...

**Ёғингарчилик келтирган талафот**

**Россиянинг Ставрополь ўлкасида уч соат давомида муттасил ёққан жала катта талафотларни келтириб қарган.**

Бу ҳақда «РИА Новости» ах-борот агентлиги хабар тар-қатди. Худуддаги ёғингарчи-лик миқдори 84 миллиметр-гача етган. Бунинг оқибати-да Шведеоно аҳоли яшаш пунктида 80 га яқин турар-жой биноси жиддий зарар-ланган. Худуднинг баъзи жой-ларида сувнинг баландлиги ҳатто 1,5 метрни ташкил қилгани, шунингдек, икки юз киши бошпанасиз қолгани айтилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**Мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар, яъни вояга етмаганлар умумий аҳолининг 40 фоизини ташкил этади. Шу боис болаларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг баркамол инсон бўлиб вояга етишлари учун шарт-шароитлар яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.**

**БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ...**

Нафақат шахарлар, балки узоқ-узоқ қишлоқ-ларда қўрқам кўриниши, замонавий педагогик технологиялар билан таъминланган мактаблар, лицей ва коллежлар, барча қулайликларга эга спорт иншоотлари барпо этилиб, болалар ихтиё-рига берилмоқда. Бундан руҳланган ўғил-қизлари-миз илму фанда, санъ-атда ва спортда ўзлари-ни кўрсатиб келишмоқда. Дарҳақиқат, бу борадаги ютуқларимиз жуда кўпки, бундан қалбимиз фахрга тўлади. Аммо баъзи ҳол-ларда болалар томони-дан содир этилган ўғир-лик ёки бошқа бир жи-ноят ҳақида эшитиб, қал-бимизда оғрик туямиз. Айни чоғда: «У болалик қилибди, аммо ён-атро-фидигиларга нима бўлди, уни бу ноҳўя йўлдан қай-тариб қолса бўлмасми-ди?» каби ўйлар кечади. Буни бежизга айтмадик. Ўзбекистон Республика-си Олий суди матбуот хизмати маълумоти-га кўра, 2008 йилда жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судларида суд-ланганлар умумий сонин-нинг 4,8 фоизини вояга етмаганлар ташкил эт-ган. 2009 йилда бу кўрсаткич камайган, яъни 3,3 фоизни ташкил этган. Содир этилган ушбу қил-мишлар орасида гиёҳ-вандлик, босқинчилик, талончилик, ўғирлик, бе-зорилик сингари жиноят

турлари мавжуд. Бир қарашда, ушбу кўрсаткич ва маълумотлар хатарли эмасдек кўринади. Бирок, болаларга ҳар та-рафлама шароитлар яра-тилиб, уларга турли гам-хўриликлар кўрсатилаёт-ган Ўзбекистон учун, бо-лажон ўзбек халқи учун болалар жиноятчилиги бир донга бўлса-да, кўплик қилади...

— Маълумки, вояга ет-маганлар жиноятчилиги ҳар қандай жамиятнинг оғрикли нукталаридан бири ҳисобланади, — дейди Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьяси Исматулла Маманов. — Бу масала бизда анча ижобий ҳал этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республика-си Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаш-тириш ҳақида»ги қарори-га мувофиқ, давлат идо-ралари, ўзини ўзи бош-қариш органлари ҳамда жамоат ташкилотлари-нинг вояга етмаганлар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя

файли А. Саидов, О. Да-урен, Б. Қосимов 2008 йил 23 октябрда тахми-нан соат 24.00 ларда Тошкент тумани, Келес шаҳридаги «Иброҳим ота» кафесига кириб,

А. Тошқужаев тумандоши Д. Маҳамовга бошқалар мулкани ўмаришдан «сабоқ» беради. Улар биргаликда 2009 йил 25 августда Чиноз шаҳрида истикомат қилувчи Б. Ус-моновга тегишли дала ҳовлига кириб, у ердан умумий баҳоси 2 милли-он сўмлик учта қорамол-ни ўғирлайди...

Суд уларнинг айбига яраша ҳукм чиқарди. Аммо масаланинг иккин-чи томонида эътибор қаратишни истардик. Ҳўш, ушбу ўспиринларнинг ота-онаси, ўқитувчилари, ма-ҳалла фаоллари ёки ён-атрофдаги бошқа одамлар уларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатларини на-ҳотки сезмаган бўлса? Ахир улар ўғирлик молла-рини вақтинча сақлаш учун қаергадир олиб бо-ради, сўнг сотади, чўнта-гига пулни жойлайди. Эътиборлироқ киши буни илганга бўларди. Қачон-ки, ҳар биримиз ана шун-дай эътиборсизлик ва бепарволикдан воз кеч-сак, болаларимизнинг бундай қўчаларга кириб қолишлари олдини олган бўла-миз...

**Мушоҳада**

ча комиссиялар зимма-сига юкланган. Албатта, бу ўз самарасини бера-ётир. Аммо беш қўл ба-робар эмас. Баъзида ота-она, маҳалла аҳли, ўқитувчилар ёки бошқа масъул идора ва шах-сларнинг бепарволиги, эътиборсизлиги тўғриси вояга етмаганлар томо-нидан жиноятлар содир этилмоқда. Жиноят иш-лари бўйича Тошкент ви-лоят судларида вояга ет-маганлар жиноятлари юзасидан қўрилган иш-лар бунинг мисолидир.

2008 йил 22 декабрда жиноят ишлари бўйича Тошкент тумани судида қўрилган, вояга етмаган уч нафар шахс иштиро-кида содир этилган жи-ноий ишни олиб қарай-лик. Ён-атрофдагилар-нинг эътиборсизлиги ту-

Рухшунос-педагоглар фикрича, шахс шакл-ланишида у яшаётган муҳит — қирқ фоиз, ир-сият — ўн беш фоиз, тарбия эса қирқ беш фоиз улушга эга. Шу маънода, айтиш мумкинки, воя-га етмаганлар томонидан содир этилаётган жи-ноятларда ёлғиз уларнинг ўзларигагина эмас, балки ота-оналар, маҳалла аҳли, ўқитувчилар ва ички ишлар идоралари ходимлари, қўйин-ки, боланинг ён-атрофида ким бўлса, уларнинг барчаси муайян даражада айбдордир. Бу эса ҳар биримизни янада ҳушёр бўлишга ундайди. Зеро, ҳушёр киши фарзандини хатарли йўлдан сақлаб қолади ва ўзи ҳам бошқаларнинг олди-да изза бўлмайди...

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Тадбир**  
**Давр талаблари асосида**

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкор-ликда Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-хўнара коллежида «Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технология-ларини қўллаш» мавзусида ташкил этган семинар бу борада вилоятда амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишланди.

Таъкидлаш лозимки, вилоят ҳокимлиги қоши-да ташкил этилган комп-ютер маркази дастур-чи, оператор ва ахборот хавфсизлиги бўйича му-тахассислар билан таъ-минланган. Марказнинг жойлардаги шохбача-лари ҳамкорлигида ахбо-рот умумлаштирилади ва атрофича таҳлил қилинади. Ўз навбатида, бу тармоқлардаги эъти-борга молик тажриба-ларни омаллаштириб, муаммоларга вақтида ҳолис муносабат билди-риш имкониятлари юза-га келмоқда.

Семинарда мульти-медиа ёрдамида мавзу-га оид тушунчалар тақ-дим этилгани, электрон имзо соҳаларининг аф-зал жиҳатлари бораси-даги мунозара ва фикр алмашувлар қатнашган-ларда катта таассурот қолдирди.

**О. УСАНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ТРУБА ЗАВОДИ КК**

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» КК

ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

**ПРОФНАСТИЛ** — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 калинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

**ЙИГМА ПАРКЕТ** (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

**КАРБИД** — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

**Tucson**

Ўз йўлингни танла!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

**HYUNDAI** Official Partner

www.hyundai.com.uz  
Tel. (8-371) 250-11-11

Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий тадқиқот институти жамоаси иқтисод фанлари доктори, профессор **Аҳмадвер Алханов ШАКИРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«O'zbekiston» телерадиоканали жамоаси ходимлар бўлими бош мухтасисси Вазира Қаландаровага акаси **Ўткир ҚАЛАНДАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий сурғута компанияси жамоаси компаниянинг Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг директори Маҳмуд Муътдиновга укаси **Бахтиёр МУЪТДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт

«Пахтакор» ёшларининг Мадриддаги муваффақияти

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга кўрсатилаётган ғамхўрлик ўз самараларини бермоқда. Ёш иқтидорларимизнинг халқаро турнирлардаги муваффақиятлари сезиларли даражада яхшиланиб бормоқда.

Жумладан, кун кеча Испания пойтахти Мадрид шаҳрида Жаҳон болалар футбол кунини муносабати билан ташкиллаштирилган халқаро турнирда «Пахтакор» ПФК академияси тарбияланувчилари муносиб иштирок этишди.

Мураббий Дилшод Нуралиев бошчилигидаги 1996 йилда туғилган ўсмирлардан ташкил топган вакилларимиз гуруҳ босқинчи, ярим финал ва финал учрашувларида юз фоизли натижа қайд этиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Дастлаб «Адарве» ни мағлуб этган (3:1) футболчиларимиз, «Атлетико» ва «Сан Фернандо» клубларини бир хил — 2:0 ҳисобида доғда қолдиришди. Ярим финалда эса «Алькобендас» жамоасига қарши кечган шиддатли учрашув 2:1 натижаси билан якунланди. Хал қилуви финал баҳсида эса Депортиво — «Алкала» клуби ёш футболчилари устидан 4:0 ҳисобида зафар кучишди. Тўплар нисбати 13:2, «Пахтакор» ёшлари фойдасига.

Эслатиб ўтамиз, «Пахтакор — 1996» жамоаси 2009 йили Украина пойтахти Киев шаҳрида ташкиллаштирилган халқаро турнирда ҳам бош соврин билан тақдирланган.

«Пахтакор» ёшлари Мадридда 26 июнга қадар ўқув-намуналар йўналишида дам олишди. Бу муқаддас ичиди иккита ўртоқлик учрашуви ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Ирода ҲИКМАТОВА, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг етакчи мутахассиси.



тутилган. Хусусан, «Маънавият — инсон зийнати», «Фояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан», «Китобим — офтобим», «Баркамолликка интилами!» шioriлари остида таниқли шоир, ёзувчи ва санъаткорлар иштирокида давра суҳбатлари, ижодий учрашув ҳамда мулоқотлар уюштирилганлиги бунинг тасдиғидир. Қолаверса, барча дам олиш гушаларида Республика кўғирчоқ театри жамоасининг саҳна асарлари намойиш этилмоқда.

Мухими, ёзги таътил мавсумида оромгоҳларга жабл этилмаган болалар ҳам эътибордан четда қолдирилмаётгани йўқ. Пойтахтимизнинг маданият саройлари, истироҳат боғлари,

спорт иншоотлари ҳамда соғломлаштириш мажмуаларида театрлаштирилган томошалар, танлов ва беллашувлар, концерт дастурлари ташкил этилапти. Белгиланган саналарда истироҳат боғларидаги ўйингоҳ ва аттракционлар болаларга бепул хизмат қилаётди. Энг муҳими, жондан азиз фарзандларнинг бахтли болалик завқини суришлари, ёзги таътилни мароқли ўтказишлари учун бу каби хайрли юмушлар мавсум давомида изчил амалга оширилади.

Ёзги таътил мавсумида фарзандларимизнинг спорт-соғломлаштириш оромгоҳларига бориб, мириқиб дам олишлари учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида етарли шарт-шароит яратилмоқда. Аънавага мувофиқ, бу йил ҳам юртимизнинг чекка туман ва қишлоқларида камол топаётган ўғил-қизларнинг Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятидаги спорт-соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишларини таъминлаш мақсадида мутасадди ташкилотларнинг аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

ҲАМ ҲОРДИҚ, ҲАМ САБОҚ

Хусусан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамда қатор ҳолий ташкилотлар ташаббуси билан мавжуд 56 та болалар оромгоҳи мавсумга шай ҳолга келтирилди. Оромгоҳлар тўлиқ ва жорий таъмирдан чиқарилиб, зарур жиҳозлар, спорт инвентарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, ўтган йилдан эътиборан мутасадди ташкилотлар иштирокида қатор корхона ва ташкилотлар тасаруфидоги болалар соғломлаштириш оромгоҳларига олиб борувчи йўлларда таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Жумла-

дан, ушбу мавсумда «Нурафшон», «Камалак», «Зилола», «Автомобилчи», «Белдирсой» оромгоҳларига борадиган йўлларнинг ҳолатини яхшилашга «Оникс», «Технолог», «Ўзбеккабель», «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятлари, шунингдек, «Тошшаҳар-трансхизмат» уюшмаси катта ҳисса қўшганлигини қайд этиш жоиз. Бундан ташқари, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси томонидан болажонларни дам олиш гушаларига олиб бориш учун янги русумдаги автобуслар ажратилди.

Айни пайтда пойтахтимиздаги ҳамда Тошкент вилоятининг сўлим масканларида жойлашган оромгоҳларда 7938 нафар ўғил-

қиз мириқиб дам олмақда. Умуман, ушбу мавсумда Тошкент шаҳридаги ёзги оромгоҳларга 42 мингдан зиёд болалар қамраб олиниши кўзда тутилган бўлиб, тирилган тўғаси элигини тўлиқ таъминлаш, саломатлигини асраш борасида етарлича шароитлар ҳозирланди. Ушбу хайрли ишларни амалга оширишда Фавақуллода вазиятлар вазирлиги, шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси, «Меҳрли савдо» давлат корхонаси, ёнгин хавфсизлиги идоралари ходимлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, санитария-эпидемиология маркази мутахассислари фаол

ташаббус кўрсатмоқдалар. Маълумки, оромгоҳларнинг асосий вазифаси ёшларни жисмонан соғломлаштириш билан бирга уларнинг маънавий-руҳий тарбиясига ижобий таъсир этувчи чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш ҳамдир. Шу

боис болалар дам олиш масканларида фаолият кўрсатаётган рақс, бичиш-тиқши, тасвирий санъат, спорт, техник ижодиёт ҳамда хорижий тилларга йўналтирилган тўғаси элигини тирилган фаолиятини янада жонлантириш, соҳага малакали мутахассисларни жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Баркамол авлод йили муносабати билан ушбу мавсумда Республика Маънавият тарғибот маркази кўмағида болажонларга янги чоп этилган бадиий адабиётларни етказиб бериш, шунингдек, улар учун мунтазам равишда маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиб бориш кўзда

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қароридан сўнг вилоятдаги барча мусиқа ва санъат мактаблари халқ таълими тизимига ўтказилди, — дейди Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Қобилов. — Бу эса мавжуд 17 та мусиқа ва санъат мактабларининг умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликда кўрик-танловлар, турли фестиваллар ўтказиш имкониятини кенгайтди.

ИСТЕЪДОДЛАР НАМОЙИШИ

Самарқандда Баркамол авлод йили муносабати билан ўрта махсус таълими муассасалари ўқувчи-ёшлари, ҳаваскор санъаткорлар ва фольклор жамоалари ўртасида ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

Унда Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари ўқувчи-ёшлари ўз иқтидорларини намойиш этишди. Санъатта ошурфа қалбларнинг она-Ватан, гўзаллик, табиат, эзгулик ва осейишталик ҳақидаги чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди.

Яқинда Самарқанд санъат коллежининг «Ўзбекистон ёшлари» гуруҳи олий ўринга муносиб кўрилди. Қашқадарёлик Ҳамидулло Неъматов биринчи ўринга ва Жиззах вилояти вакиласи Зулхумор Мамароҳимова иккинчи ўринга мушарраф бўлишди.

Энди голиблар танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОҲАНГЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Кейинги бир йиллик таҳлиллар ана шу ҳамкорлик ҳар икки томон учун ўзига хос масъулият юклаганини, ўртада самимий, бегараз рақобат пайдо бўлганлигини кўрсатди.

Янги номлар, ёш истеъдодлар эса айнан шундай муҳитда юзага чиқади, тобланади. Ўтган йили «Болалик баҳори» Республика фестивалида Пахтакордаги 14-болалар мусиқа ва санъат мактаби, Жиззах туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби

қўллаб келтириш мумкин. Ёш санъатсеварлар ўзларига бўлган эътибор ва ғамхўрликка астойдил илм олиш, ижодий изланишлар билан жавоб қайтармоқдалар. Уларнинг сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозирги кунда фақат мусиқа ва санъат мактабларида салкам 2 минг нафар йигит-қиз соҳа сирларини ўрганишмоқда. Жиззах шаҳри, Мирзачўл, Фалаорол туманларидаги мусиқа ва санъат мактаблари машғулотлари махсус жамоалари аънавий хонадалик ҳамда халқ чолғу ансамбллари йўналишида иккинчи ўринга сазовор бўлдилар. Зомин туманидаги 50-умумтаълим мактаб ўқувчилари жамоаси эса эстрада йўналишида голиб чиқишди.

Жорий йилнинг май ойида Самарқанд вилоятида ўтказилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловида Жиззах туманидаги 13-умумтаълим мактаби ўқувчиси Диёр Муродов эстрада йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаб, Халқ таълими вазирлигининг диплом ва есадалик совғалари билан тақдирланди.

Бундай мисолларни Вилоят халқ таълими бошқармасида Республика Президентини қарори ижросини таъминлаш юзасидан алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Дастур доирасида Жиззах шаҳрида мусиқа асбоблари яшаш, соғлом устaxonаси очилди. Фориш туманидаги Сайёз қишлоғида ўқувчилар иштирокида миллий чолғу асбоблари яшаш йўлга қўйилган. Барча болалар мусиқа ва санъат мактабларида «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Ватанимни куйлайман», «Оҳангларда Ватан мадҳи» каби бурчаклар ташкил этилган. Мактабларни малакали мутахассислар, педагог кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари белгиланган. Буларнинг барчаси навқирон авлодга кўрсатилаётган бекиёс ғамхўрлик самарасидир, албатта.

Қарор ва ижро

жизҳозланган, безатилган хоналарда ўтказилмоқда. Ҳозирги кунда Жиззах шаҳри ва Дўстлик туманида 2010 йил «Манзилли дастури»га асосан, умумий қиймати 2 миллиард 629 миллион сўм бўлган иккита замонавий болалар мусиқа ва санъат мактаблари қад ростламоқда. Мактаблар Мустақилликнинг 19 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Келгуси йилда эса бундай мактаблар Арнасой, Зомин туманларида ҳам барпо этилади. 2014 йилгача барча қишлоқ туманлари янги, жиҳозланган мусиқа ва санъат мактабларига эга бўлади.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Танлов

Ўзбекистон давлат консерваториясида иқтидорли қизлар форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағмағмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда илм-фан, маданият ва санъат намояндalари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

ЛОБАР ҚИЗЛАР АНЖУМАНИ

Тадбирнинг очилишида таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти ва истеъдодини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, юртимизнинг энг чекка туман ва қишлоқларида камолга етаётган иқтидор соҳибларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, ёшларимизни рағбатлантириш мақсадида жорий этилаётган нуфузли мукофотлар, ижодий танлов ва беллашувлар катта самара бераётди.

Кувонарлиси, бугунга қадар 150 нафардан зиёд ноёб истеъдод соҳибалари Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

нашаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

— Биз, ёшлар Президентимизнинг юксак ишончига муно-

2010 йил — Баркамол авлод йили

Улар айна дама илм-фан, санъат ва спорт соҳаларида қизгин ижодий изланишларини давом эттирмоқдалар. Бундан ташқари, қизларимиз орасида Ўзбекистон Республикаси Президентини давлат стипендияси соҳиб бўлган, юртимиз ва жаҳон миқёсида ўтказилган қўллаб-қувватловлар, кўрғазма ва фестивалларда фаол қат-

нашаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. — Биз, ёшлар Президентимизнинг юксак ишончига муно-

сиб бўлиш учун астойдил интилоқдамиз, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Сарвиноз Қурбонбоева. — Спорт соҳасида эришишни кўзлаган мақсад ва режаларим жуда ҳам кўп. Яқин келажакда грoсмейстерлик талабларини бажариб, катта ёшлар ўртасида ўтказиладиган нуфузли халқаро

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ 2010/2011 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН БАКАЛАВРИАТ ВА МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 сентябрдаги ПҚ-691-сонли қарори асосида ташкил этилган.

Институт 2010/2011 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича қабул эълон қилади:

Table with 2 columns: I. БАКАЛАВРИАТ and II. МАГИСТРАТУРА. Lists various programs like Business Administration, Marketing, and English Language Teaching with details on duration and accreditation.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 52482 нухсуда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибхона 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўзбўйлаб тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. 1-Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — М. Жоникxonov. Навбатчи — Д. Улуғмуродов. Муасххх — Ш. Ишраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаxonаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА яқини — 23.10 Топширилди — 23.10 1 2 4 5